

А Ж Р И М

2022 йил июль ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, Ангрен шаҳар “Жигаристон” маҳалла фуқаролари йиғини биносиди, очиқ ва сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Т.Я.Хайдаров, суд мажлиси баённомасини юритувчи – судья ёрдамчиси Ш.Хамзалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Комилов, гумонланувчи ФИО ва унинг ҳимоячиси “GOLDEN DEFENDER” адвокатлик бюроси адвокати А.Хамраев, жабрланувчи ФИОнинг иштирокида, ФИОга нисбатан 1-1104-2201/239-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

ФИО, 1999 йил 4 декабрь куни Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, “Ислом Каримов” номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалининг талабаси, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, “Жигаристон” маҳалласи, “Кончилар” 2-берк кўчаси, 17А-уйда истиқомат қилувчи, томонлар ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш масаласини ҳал этиш учун судга юбориш ҳақидаги қарор нусхасини 2022 йил 24 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан гумонланган.

Суд гумонланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ФИО 2022 йил 8 июнь куни тахминан соат 18:05 ларда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолатда, жамоат жойи бўлган Ангрен шаҳар, “Жигаристон” м.ф.й., “Кончилар” кўчаси, 51-уй яқинида ўз хатти-ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қилаётганлигини яққол англаган ҳолда 01.01.1973 йилда туғилган ФИО билан ҳеч қандай сабабсиз жанжаллашиб, жанжал давомида қўллари билан ФИОни бош қисмини турли жойларига бир-неча маротаба уриб тан-жароҳати етказган. Натижада ФИО олган тан-жароҳатлари билан Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасига муружаат қилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 17.06.2022 йилдаги 701-сонли хулосасига кўра, ФИОда бурун суяклари ёпиқ синиши, чап кўз юқори ва пастки қовоқ соҳасида қонталаш, юқори лаб марказида ички қаватида ва пастки лаб марказида ички юзасида қон қуйилишлар, ўнг кулоқ супраси ички юзасида шилинмаси каби соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳатлари олганлиги аниқланган.



Суд мажлисида сўралган ФИО ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, судга ариза билан мурожаат қилиб, унда у жабрланувчи билан ярашганлигини, ундан кечирим сўраганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган ФИО судга ариза билан мурожаат қилиб, гумонланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, гумонланувчига нисбатан Ўз.Р. ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд томонидан жабрланувчи ФИОга Ўз.Р. ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тушунтирилди ва бу суд мажлиси баённомасига киритилди.

Суд, ФИОни айбига тўлиқ иқдорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва улар ўзаро ярашганликларини, иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарар қопланганлигини эътиборга олиб, ФИОни Ўз.Р. ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши ва жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатилиши лозим деб ҳисоблайди.

Уқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15, 66-1 моддалари ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 423-моддаси 2-банди, 586-моддасини қўллаб, суд ажрим қилади –

А Ж Р И М :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан гумонланган ФИО га нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи ФИО Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма суткалик муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибида шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья

Т.Хайдаров

